Шарқ юлдузи

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ УЮШМАСИНИНГ
АДАБИЙ-БАДИИЙ, ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ОЙНОМАСИ

8 '1991

60-йил чиқиши

Бош муҳаррир:
Ўткир ҲОШИМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Неъмат АМИНОВ
Саид АҲМАД
Салоҳиддин МАМАЖОНОВ
Омон МУХТОРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Мурод МУҲАММАД ДЎСТ
Умарали НОРМАТОВ
Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА
Муҳаммад СОЛИҲ
Хайриддин СУЛТОНОВ
Зоя ТУМАНОВА
Ўлмас УМАРБЕКОВ
Носир ФОЗИЛОВ
(масъул котиб)
Азиз ҚАЮМОВ
Ҳамид ҒУЛОМ

МУАССИСЛАР: «ШАРҚ ЮЛДУЗИ» МЕҲНАТ ЖАМОАСИ ҲАМДА
ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ НАШРИЁТ-МАТБАА БИРЛАШМАСИ

www.ziyouz.com kutubxonasi

тақлидбозликларнинг илдизи қаерда? Мунаққид У. Норматов фикрига кўра, мазкур иллат ҳикоянависларимизда «изланиш, оригиналликка интилиш туйғуси сусайгани» натижасида келиб чиқади. «Асардан асарга ўтиб юрадиган «сайёр» персонажлар: ситуация ва деталлар, ҳодисаларнинг бир хилдаги талқини — булар айни ўша ёзувчидаги изланиш туйғусининг сустлиги оқибатидир».[1]

Бу ва яна юқорида айтиб ўтилган бошқа барча камчиликларнинг асосий сабабини бир сўз билан бедардлик деб аташ ҳам мумкин. Зеро, ўқувчи билан баҳамлашадиган жиддий бир дарди, айтадиган салмоқли, янгича фикри бўлмай туриб ҳикоя, умуман, бадиий асар яратишга уринган ижодкор, муваффақиятсизликка учраши табиийдир.

Бадиий асарни мусиқага қиёслаш мумкин. Аслида ҳам, ҳар қандай етук бадиий асар асосида маълум бир мусиқа мавжуддир. Шу маънода ҳикояни якка асбобда қиёмига етказиб ижро этилган куйга таққослаш ўринлидир. Ёзувчининг муайян гапи бадиий асар ғоясини ташкил этади. Ўша ғояга шахсий муносабат ва услуб эса асар шаклини белгилаб беради. Зеро, услуб ёзиш усулигина бўлмай, балки асар учун манба, қаҳрамон ҳамда ифода воситаларини танлаш ҳамдир. Биз юқорида айтиб ўтган мусиқийлик услуб, айни чоғда шаклнинг ажралмас бир қисмидир. Аммо бу гап асло бадиий асарни ноталар тили билан ифодалашни англатмайди. Мусиқийлик тасвирнинг, воқеалар ва характерлар ривожининг маълум бир оҳангга асосланишидан иборатдир. Бу оҳанг эса ижодкор шахснинг ички кечинмалари оқибати тарзида юзага келади. Айнан ана шу кечинмаларнинг юзакилиги ёки умуман мавжуд эмаслиги юқорида эслатилган бедардлик белгиси ҳисобланади. Маълумки, мусиқа асари ноталарни ўрнини топиб қўллаш билангина яратилмайди. Унда ҳам муваффақиятлар сири ижодкорнинг ички кечинмалари, юрак туғёни нечоғлик кучли эканидадир. Нота эса қалб дардини ифода этувчи восита, холос. Аслида ҳар бир асарнинг ғояси, руҳи санъаткор қалбида туғилади.

Афсуски, шу ўринда оддий ҳақиқатни яна бир бор такрорлашга тўғри келади: биз учун ёзувчининг нияти қай даражада олижаноблиги эмас, балки уни нечоғлик юзага чиқара олгани муҳимроқдир. Юқорида кўриб ўтилган ҳикоялар муаллифлари ҳам яхши ниятда қалам ушлаганига шубҳа қилмаймиз. Аммо улар таҳлилидан аён бўлдики, етук бадиий асар, хусусан, ҳикоя яратиш учун эзгу мақсаднинг ўзи камлик қилар экан. Балки шунинг учундир, 70—80-йилларда ўзбек адабиётида яратилган юзлаб «кичик мўъжиза»ларнинг аксарияти, юксак бадиият талабларига жавоб бера олмайди. Кўпгина мунаққидларнинг нописанд ибораларига кўра, булар ўртамиёна ёки «танқиддан тубан» асарлардир. Бундай асарларнинг нечоғлик кўп ёки кам бўлиши, ўқувчи дидига қай даражада таъсир қилиши эса маълум маънода адабиётшуносларимизнинг виждонига ҳам боғлиқ.

Нинель Владимирова

ИЛДИЗЛАРГА НАЗАР СОЛАЙЛИК

Жуда кўплар, жумладан, Шаҳобиддин Одилов томонидан анчагина қизиқарли таҳлил этилган ўзбек ҳикоячилиги ўз тараққиёти давомида, агар уни узлуксиз тадриж сифатида қарайдиган бўлсак, ҳам бадиият, ҳам ижтимоий ва эстетик нуқтаи назардан муайян ютуқларни қўлга киритиб борганини тан олмай иложимиз йўқ. Бу тинимсиз изланишлар ва камолот йўли бўлди. Унда турлитуман йўналишлар бор. Тажриба тўпланди, воқеаларни баён этиш тарзида ҳам, қаҳрамон характерини тасвирлаш ва композицияда ҳам муайян бадиият услублари ўзлаштирилди.

«Маълумки, — деб ёзади мақола муаллифи, — бадиий асарнинг, хусусан, ҳикоянинг ютуғи ҳам, камчилиги ҳам уч асосий омилга боғлиқ. Бу мавзунинг муҳимлиги, ғоянинг аниқлиги, салмоқли экани ва бадиийлигига тааллуқлидир. Зеро, ҳар қандай яхши асар, асосан мана шу омиллардан таркиб топади. Яъни, ёзувчи аниқ бир ғояни, салмоқли бир фикрни ифодалаш учун муносиб мавзу — манба танлайди ва уни ёрқин талқин қилади. Бадиийлик эса, ниҳоятда кенг тушунча бўлиб, бир қанча унсур ва воситалардан ташкил топади. Қизиқарли воқеалар тизмаси, образли ифода, жонли, тўлақонли қаҳрамон қиёфасини яратиш...» ва ҳоказолар.

Ш. Одилов сўз юритган бу омиллар тўғри, лекин уларнинг тўғрилиги барча азалий ва ҳаммага маълум ҳақиқатлар кабидир. Аслини олганда, шунинг ўзи ҳам қолип-ку! Жўн ва меъдага тегиб кетган воқеалар тизмасидан ҳикоя ясовчи носирлар амал қилган қолипга ўхшаш оддий бир андоза-ку! Танқидчи ҳам, адабиёт назариячиси ҳам бундай андозалардан қочиши керак эмасми? Қачонлардир Маяковский шеърият бу аблаҳона бир нарса, бироқ ундан ҳеч қаёққа қочиб кетолмайсан, деб ёзган эди. Албатта, учта омил бор дейиш мумкин. Ўттиз учта омил бор дейиш ҳам мумкин, сон-саноқсиз омиллар бор деса ҳам бўлаверади. Бироқ чинакам санъат ҳеч қандай босма қолиплар билан ўлчаб бўлмайдиган нарсадир. Унда ҳар доим қолипдан чиқиб қоладиган нимадир мавжуд бўлаверади. Уни англаб бўлмайди, ўлчаш мумкин эмас, у шунчалар нозик — бироқ айни шу хусусият ижодкорни ҳақиқий санъаткор деб тан олишга мажбур қилиб туради. Ҳаёт ҳақиқатини

[1] У. Норматов. «Муҳими — моҳиятни очиш». «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1984 йил, 2 март.

www.ziyouz.com kutubxonasi

бадиий ҳақиқатга айлантиришнинг минглаб, ўн минглаб йўллари борки, шулар санъатни ҳамиша боқий этиб туради.

Эҳтимол, муайян асарларни танқид қилаётганда мунаққид ҳақдир. У билан баҳслашиб ўтирмаймиз. Салбий натижаларга олиб келган тажриба ҳам барибир зарур. Ўзбек ҳикоячилиги миллий бадиий анъаналарни XX аср реалистик насрига хос тамойиллар билан бирлаштириш йўлидан бормоқда. Буни ҳамма билади.

Бироқ йиллар давомида ўзбек ҳикоячилигининг каттагина кутубхонаси яратилгани ҳам бизга маълум. Бу бой хазинани умумлаштириш ва тадқиқ қилиш ҳаётий заруратдир. Аксари тадқиқотчилар замонавий миллий ҳикоячиликда маълум ёзувчининг ўрнини белгилашга уринаётгани ҳам аниқ. Бу йўналиш ўз-ўзича бирон эътироз туғдирмайди. Бироқ тадқик ва таҳлилни бугунги адабий жараён, жумладан, замонамиз кишисининг бутун ички дунёси ва борлиқ билан муносабатларига боғлиқ ҳолда олиб бориш керак. Ҳозирги илмий тадқиқотлар бевосита инсонни тадқиқ этиш билан қўшилиб кетмоғи лозим. Илло, инсоннинг маънавий ва ижодий қуввати ҳозирги замонда реалистик тафаккурнинг тараннглашувини ҳам, инсон тасвирининг ёркинлашувини ҳам ўзида жо қилгандир.

Ш. Одилов ўз олдига қийин вазифа қўйган. У ўзича «танқиддан тубан» деб баҳолаган ҳикояларни таҳлил қилишга интилади. Балки бу йўл ҳам тўғридир, чунки адабиёт ўқувчининг диди ва қарашларини шакллантиради. Ш. Одиловнинг таҳлил мезонига қўшилмаслик мумкин, бироқ асосий гап бунда эмас. Биз адабиётшунос танқид қилган ҳикоялар хусусида баҳслашиб ўтирмоқчи эмасмиз.

Гап шундаки, ёзувчилар, мазкур ўринда ҳикоянавислар ижодини таҳлил ва тадқиқ этиш, лозим бўлганда танқид қилиш, албатта, зарур. Бироқ бу ишга қўл урган пайтимизда ҳикоячилик чегараларини унутиб қўймаслигимиз лозим. Бу ҳозирги замонга хос муаммолар ҳикояга қандай сингишаётганини ва истеъдодли қаламкашлар ижодида қандай акс этаётганини аниқлашга имкон беради. Афсуски, бундай ҳолатларда фақат юзада ётган асарларни текшириш у ёки бу жанрнинг ёки жанр шаклларининг асл имкониятлари ҳақида ҳукм чиқаришга имкон бермайди.

Истеъдодли санъаткор ўзи мансуб бўлган адабиётнинг юзидир. Бироқ адабиётнинг «вужуди» ҳам, унинг шу номни олишига сабаб бўлган моҳияти ҳам бор. У жуда мураккаб организмдир, унинг тубида «жамловчи», кўп ҳолларда шаклан қотиб қолган ва тўлиғича адабиётга, унинг муайян жанрларига таъсир кўрсатиб турадиган жараёнлар содир бўлиб туради. Шубҳасизки, Ш. Одилов тадқиқ учун олган «чегарадаги» манбалар ҳам табиий қизиқиш туғдиради.

Бироқ биз адабиётнинг «вужуди» деб номлаган нарса ҳам ўзида турли-туман тажрибаларни жо қилгандир. Улар орасида замона руҳини акс эттирадиган, жанр тараққиётини кўрсатадиганлари бор.

Мен Шукур Холмирзаев, Эркин Аъзамов, Хайриддин Султонов, Нурилло ва Олим Отахоновларнинг юрагимга яқин ҳикоялари ҳақида эмас, адабиётнинг «вужуди»ни ташкил этган, яъни бир неча ёш адиблар ижоди хусусида сўз юритишни хоҳлар эдим. Уйлайманки, уларнинг ижоди ҳам назарий, ҳам танқидий жиҳатдан муайян қизиқиш туғдириши аён. Улар жуда кўпчилик, шунинг учун бир нечаси ҳақидагина гаплашсак.

Бироқ, аввалига Ш. Одилов тилга олган «конфликтсизлик назарияси» ҳақида озроқ фикр юритишга тўғри келади.

«Конфликтсизлик назарияси» мақола муаллифи ҳисоблагандан кўра қадимийроқдир (у сталинизм даврининг охирларига бориб тақалади). Бу қотиб қолган ғоянинг елкасига ундан-да кўҳна, ҳатто айтиш мумкинки, доимо мавжуд бўладиган сохта бадиият, туссизлик ва ақидапарастликни юклаб қўйсак, унчалик тўғри келмайди. Бироқ, бадиий номукаммаллик билан зўрма-зўраки ялтироқликни, маҳорат борасидаги жузъий камчиликлар (айниқса ёшларда) билан борлиқни сохталаштириб тасвирлашни бир-биридан фарқлаш лозим бўлади.

Мавжуд адабий жараённи ундаги кучли ва ожиз томонлар билан бирга яхлит тасаввур қила олишимиз зарур. Яқиндагина ҳам ижодкор кўп нарсаларни очиқ айта олмасди. Балки, худди шу сабабли рамзийликка асосланган «эзоп тили» келиб чиққандир? Умуман олганда, шу даврларда ҳам кўпгина яхши нарсалар яратилганини тан олиш керак.

Вақтли матбуотда эълон қилинаётган ҳикоялар асар деб аталишга нолойиқлиги, баъзан рўзнома фельетони даражасига кўтарила олмаганлиги ҳақида баҳслашиб ўтириш шарт эмас. Бундай оммабоп маҳсулот, илгари ҳам, ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам афсуски, яратилаверади. Улар ҳақида адабий-танқидий иш эмас, балки социологик тадқиқот ёзиш ва уни арзон руҳият кўринишлари сифатида таҳлил қилиш мақбул бўлади.

Абулқосим Мамарасуловнинг «Барлос қишлоғининг зумрад тонглари» деган туркум ҳикоялари ёшлар ижоди орасида ажралиб туради. Бироқ уни изланаётган ва ўз-ўзини тасдиқлаётган янги авлоднинг бир вакили сифатидагина кўриб ўтишни хоҳлардим. Биз ёшларнинг ҳикояларидаги лиризм, миллий ўзига хослик ҳақида батафсил гапиришимиз мумкин. Уларнинг умумий жиҳатлари, адабиётга биргаликда олиб кираётган нарсалари ҳам диққатни жалб этади.

Абулқосим Мамарсулов билан ўқувчи кейинги ўн йилликда танишди. Ш. Одилов ҳам шу йиллар ҳақида гап юритади. «Барлос қишлоғининг зумрад тонглари» туркуми замонавий ҳикоянависларнинг кўпчилиги учун муштарак жиҳатларни бирлаштириб тургандай таассурот қолдиради.

Бу туркум ҳикояларни ўқиганда, ёзувчи онгли равишда ҳаётни тўла қамраб олмасликка, унга умумий тарзда баҳо бермасликка интилганини, бу иш аслида имкондан хорижда эканини тушунганини яққол сезамиз. Туркумдаги аксари ҳикоялар савол билан тугаган, характерлар ва ҳаётий вазиятлар талқини ўқувчини баҳсга, мушоҳада юритишга, воқеаларни «ўз кўнглида ҳис қилиш»га қаратилган. Бу ҳодиса шу давр ҳикоячилигидаги ўзига хос хусусиятлардандир.

«Барлос қишлоғининг зумрад тонглари» туркуми тўртта кичик-кичик ҳикоядан ташкил топган. Воқеалар муаллифнинг ишқи тушган гўзал Барлос қишлоғида бўлиб ўтади, қаҳрамонлари ҳам — асл барлосликлар. «Бизнинг қишлоқда гап ётмайди. Эрта-индин ҳамма Исматнинг қисмати ҳақида гапира бошлайди. Тоштемир ҳам, ҳатто Мамат ҳам. Модомики, ҳеч нарсани тан олмайдиган Норхолнинг онаси кесакдан ўт чиқипти, дедими билингки, миш-миш зўр бўлади!» Уларнинг ҳаёт тажрибаси ҳам, тақдири ҳам, урф-одатлари ҳам бир хил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бироқ бизни барлосликларни «ажратиб» турувчи нарсалар қизиқтиради. Бу — ҳикоянавис яратган ҳар бир образ, характернинг такрорланмаслиги, ўзгаларга ўхшамаслигида кўринади.

Барлосликларнинг ҳаммасини «Севишганлар»даги ёш қаҳрамонлар каби содда ва тўпори; «Ойша холанинг куёви»даги мулойим ва тортинчоқ Тоштемир сингари камсуқум ва ҳимоясиз; «Исматнинг қисмати»даги ўта ишонувчанлиги туфайли дашном еб юрадиган Исматга ўхшаган одамлар дейиш қийин. Улар «Жарима» ҳикоясидаги Банот каби мураккаб ва фожеий тақдир эгалари ҳамдир.

Банот — оддий қишлоқ аёли. Лекин у фақат биринчи қарашдагина содда кўринади. Бу анчагина мураккаб образни муайян воқеалар силсиласидагина талқин этиш мумкин.

Ўзини ва эрини оилавий маросимга таклиф этмагани учун акасидан қаттиқ хафа бўлган Банот унинг баъзи бир қонунсиз ишларини милицияга чақади. Оқибатда акаси қамалиб кетади. Буни билиб қолган одамлар, табиийки, чақимчидан ўзини четга ола бошлайдилар. Ҳа, Банот ўғрини фош қилди. Лекин бу одам бегона эмас, ўзининг акаси. Шу ўринда масаланинг ахлоқий жиҳати бўртиб кўринади: колхоз мулки деб жон койитиш яхши, албатта, лекин айбдор ўз аканг бўлса, одатда бошқача иш тутилади. Уни нотўғри иш қилаётганлигига ишонтириш ва қутқариб қолиш мумкин эди. Банотнинг бу қилиғи унга нисбатан қаҳр-ғазаб туғдиради.

Ўрмон хўжалигининг қоровули Самадбой Банотнинг эри Саъдуллани уради. Бундан қаттиқ қаҳрланган Банот уни судга беради ва жазоланишига эришади.

Энди қишлоқда бу аёлдан нафратланмайдиган биронта киши қолмайди. У Раҳима холанинг сотиладиган уйига харидор бўлиб келганида, қўшнилар чўчиб кетишади: «...одам қуригандай келиб-келиб энди у Маматларга девор-дармиён қўшни бўлмоқчи!»

Ҳа, Банотни яхши кўрмасликка ҳамқишлоқларининг асоси бор. Банот ғазабга минган пайтда одамларнинг кўнглига қараб ўтирмайди. У ўз хатти-ҳаракатларининг ахлоқий жиҳатлари ҳақида ўйлаб кўрмайди. Бироқ одамга фақат овқат, нон-сув, кийимдан ташқари муомала-муносабат ҳам керак. Банотда тавба-тазаррудан асар ҳам йўқ, у бунга қодир ҳам эмас. Бироқ у ёруғ, инсоний меҳрга ташна: «Неча йилдирки, элдан четда яшаб, рости, Банотнинг бўладигани бўлди. Бу овлоқ жойда қўни-қўшни йўқ ҳисоб... Нафсиламбирини айтганда, мол боқишга бу ер қулай. Лекин гап бунда эмас. Одамнинг тафтини одам олар экан. У ҳам элга элакишсам, бировнинг оғирини енгил қилсам, дардимга малҳам қўшниларим бўлса, дейди. Шунинг учун ҳам Раҳима холанинг уйига талабгор бўлди. Шунинг учун ҳам...» Муаллиф гапни тугатмайди, кўп маъноли уч нуқта қўяди, бу — жуда ўринли. «Салбий» Банот ҳақида ҳикоя қилар экан, муаллиф хасислик билан бўлса-да, унинг инсоний хусусиятларига ҳам ишора қилади, сўнг шундай жоҳил ва гап юқмас бўлишга мажбур қилган оғир, қаттиқ турмушга асосий урғу қаратилади. Бироқ ёвузлик ёвузликни туғдиради: барлосликлар Банотдан ўч олишга интиладилар. Бедазор қоровули Мамат унинг қўйларини «қамаб» қўяди. Бошқа эркаклар эса ўч олиш мақсадида қўйлар колхоз бедозорини пайҳон қилганлиги ҳақида далолатнома тузишади.

Аслида эса қўйлар ёш бола бир зум қаровсиз қолдиргани учун бедазорга бўй чўзган, лекин пайҳон қилишмаган эди. Қоровул ва бригадир болакайнинг йиғисига қулоқ солмайди. Банотга озор бериш хоҳиши шафқат ва одамийликдан устун келади.

«Жарима» ҳикоясидаги бу одамлар қаттиққўл ва жоҳил. Уларни бунга оғир ва машаққатли турмуш мажбур этган. Ҳаёт бирини кўпроқ, бирини камроқ, лекин барини ҳам эзиб ташлаган.

«Жарима» деган ном тасодифий эмас. Барлос аҳли хароб этилган ҳаёти ва тақдири, бузилган феъли-атвори учун товон тўлашга мажбур. Оқибатда эса, эзгулик ва ёвузлик, инсонийлик ва ғайриинсонийлик орасидаги чегара ювилиб кетади.

«Барлос қишлоғининг зумрад тонглари» ҳикоялар туркуми нафақат барлосликларга, балки эзгулик деган тушунчани бузган, инсонийликка, меҳр-шафқатга шубҳа туғдирган замонга таъна бўлиб жаранглайди.

Албатта, бу ҳикояларни ҳали том маънода мукаммал деб бўлмайди, уларда чўзилиб кетган жойлар ҳам, бир қадар схематизм ҳам ва яна тажриба, маҳорат ортиши билан бартараф бўладиган бошқа камчиликлар ҳам бор. Бироқ унда энг асосий нарса — инсон ҳаётининг ҳар бир лаҳзасига масъуллик ҳисси борки, бу ёзувчига ишонч туғдиради.

Шукрулло Абдуллаевнинг «Мовий кўл тўлқинларида» деган кичкинагина ҳикояси бир қарашда муайян ҳодисага бағишлангандай туюлади. Унда инсон ҳаётининг мазмуни, эзгулик ва ёвузлик, муҳаббат ва маънавият ҳақидаги фалсафий ўйлар акс этган. Муаллиф фикрларида қайтариқлар бўлса-да, лекин ҳикоянинг ёзилиш услуби нозик ва дилтортардир. Ёзувчи инсон маънавияти у униб-ўсган муҳитга боғлиқ эмас, ҳар бир одам зарур муҳитни ўзи яратади қабилидаги ҳамма тан олган, кўникиб кетган фикрни шубҳа остига қўяди.

Бутунлай бегона шароитга тушиб қолган ҳикоя қаҳрамони истар-истамас унга мослашади ва ўзи ҳам аста-секин ўзгариб боради, кейин аввалги, одатдаги тоза муҳитга қайтганида эса мусофирликка, беғуборликка ёт бўлиб қолганини сезади.

Ҳозирги ҳикоянависларнинг услубий изланишларига хос асосий нуқта — тасвир манбаини эркин танлаш, Ш. Одилов таъкидлаб ўтган кўп ҳикояларда учрайдиган схематизмдан қочиш майли гарчи, ҳали бироз журъатсиз, етарлича кўламдор бўлмаса-да, лекин аста-секин кучайиб бормоқда. Бу жараён инсон шахсининг маънавий асослари ҳақида баҳс юритиш учун етарли имкон беради.

«Бахтли кун» ҳикоясида Шодмонбек Отабоев инсонга ўзга хос тарзда ёндашади. У тасвирлаган шахс ҳозир ҳаётимизда кўп учрайдиган, оғир турмуш букиб, ҳар нарсага кўникадиган кишига айлантириб қўйган одам.

Эртадан-кечгача далада ишлаб, арзон иш кучига айланиб қолган оққўнгил Нормат қалбида ўз чурвақаларига нисбатан оталик меҳридан бўлак ҳеч қандай қувонч йўқ. Аслини олганда бунинг учун у айбдор эмас.

Пойтахтдан келган ва маданият саройида бепул томоша қўйган артистлар, капалакдай қизларнинг рақси Нормамат юрагида пинҳон ётган нозик туйғуларни уйғотиб юборади. Раққоса қизлар саҳнага тошиб чиққан маҳалда, бу қадар ҳаётий гўзалликдан ҳайратга тушган Нормамат ўрнидан сакраб туриб кетади. Узоқ қишлоқдаги колхозчининг ҳаёти, «омма», «аҳоли»нинг ҳаёти шу даражада доирага солиб қўйилган эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳар қандай буйруқни итоатгўйлик билан бажаришга ўргатишда колхоз тузумига тараф йўқ. Бу ердаги ҳақсизлик, оғир меҳнат, рангсиз турмуш ва худбинлик ҳар қандай инсон иродасини синдиришга қодир.

Ёзувчи тасвирни қалам аҳли авлодлар оша давом эттириб келаётган азалий мавзу — инсон шаънининг ҳимояси сари боради.

Томоша тугагандан сўнг, Нормамат ўз ҳаётига гўё бутунлай бошқа бир нигоҳ билан боқади. Ўзининг бузилган трактори, девори ағдарилиб тушган кампир, эҳтиёт қисм бериш ўрнига уни ҳақорат қилган инженер, ушоқ болаларининг ғариб ўрин-кўрпаси ҳақида ўйлар экан, юрагида бир хилда туссиз оқиб бораётган ҳаётига қарши норозилик уйғонмайди, балки у ўтаётган кунлари худди эгизаклардай бир-бирига ўхшашлигини, бошқача турмушни ҳатто тасаввур ҳам қила олмаслигини тушуниб қолади; у ўзининг оддий инсоний заминдан узилиб қолганини, бир парча нон топиш илинжида уриниб-суриниб юрар экан, ҳаётнинг кўпгина қутлуғ неъматларидан бебаҳра қолиб кетганини англайди.

Шу кунги лаҳзалик қувончни у кўп кунлар мобайнида руҳий юксалиш, маънавий қайта туғилиш сифатида эслаб юради. Айрим камчиликларига қарамасдан, бу ҳикоя долзарб аҳамият касб этади. Бугунги ўзбек ҳикоячилигида бундай асарларни яна кўплаб топиш мумкин. Ёзувчилар давримизни бўяб-бежаб тасвирлаётганлари йўқ, аксинча ҳаётий манзаралар ва қарама-қаршиликларни бутун борлигича кўрсатмоқдалар. Бадиият оламининг моҳияти ёзувчи яратаётган воқеаларда эмас, қаҳрамонларнинг маънавиятида, дунёқарашида акс этади.

Эр-хотиннинг жанжали... Бу мавзу қанчадан-қанча ҳикояларга асос бўлгани маълум.

Алишер Махсумовнинг «Рўё» ҳикоясида сиртдан қараганда бирон-бир йўсиндаги сюжет янгилиги йўқ. Мавжуд ҳаётнинг бир парчаси муаллиф нигоҳи воситасида тиниқ кўзгудагидек кўрсатилади.

Ҳикоя қаҳрамони Мунир хотини билан жанжаллашиб қолади. Мана, улар иккаласи ҳам бақириб-бақириб чарчадилар. Мунир ўзаро ҳақоратлару кўз ёшларидан кейин содир бўладиган шундай сукунатни кутиб турган эди: «Аслида тун жимлигини бузиб, бир маромда чиқиллаётган девор соатининг товушидан бўлак бошқа товуш ҳам йўқ. Бу эса, ўтиб бораётган вақтнинг овози эди. Одамлар яшайдилар, жанжаллашадилар, азоб чекадилар, соат эса бир маромда ўтган вақтни ҳисобга олиб бораверади. Ҳаёт ўтаверади».

Бу аччиқ жумла воқеаларни тўсатдан ёритиб юборгандай бўлади: Мунир ҳаётнинг қаттиқ исканжасига тушиб қолган. У ташаббуссиз, ожиз; Нодира жаҳл устида айтгани каби ҳаётга мослашмаган, беқарор ва субутсиз бир кимса. Уни ҳақорат қилишади, устидан кулишади; у эса ўз шаънини ҳимоя қилиш учун муштлашади. Лекин калтак ейди. Жаҳл ва ҳақоратдан ўзини йўқотиб қўйган Мунир нима қилаётганини ҳам тузук-қуруқ англамасдан, отасининг милтиғига ёпишади ва ўзини хўрлаганларга ўқ узади. Шу пайт у, тўсатдан, гўё узоқдан келаётгандай, қулоқларига чиппа ёпишиб қолгандай бир овозни эшитади: «Мунирж-о-о-он ака-а-а... Тўхтанг! Отманг! Кўчада одам тўлиб кетган, ҳатто машинаю автобуслар ўтолмай тўхтаб қолишганди».

Бир-бирини маҳкам қучоқлаганча кўзёши тўкиб бораётган эркак ва аёлни, уларнинг орқасидан эргашган иккита мурғак болани кўрган одамлар ҳеч нарсага тушуна олмасдилар. Эркакнинг кўйлаги йиртилган, ҳаммаёғи қонга беланган, хотиннинг эса сочи ёйилган... Кўпчиликнинг фикри бир жойдан чиқди: «Кинога олишяпти».

Бу саҳна одамлар бир-бирига қанчалик бегоналашиб, меҳрсиз, оқибатсиз бўлиб кетганини ёрқин ифода этади. Икки бахтсиз вужуд, атрофда эса бефарқ ва бепарво оломон. Одамлар нима учун бу икки мажруҳ кўнгил ўзаро ҳақоратлару кекни унутиб, бир-бирининг қучоғига отилганини тушуниб етолмайдилар. Кинога олишяпти, деб қўя қолишади.

Бу ерда ҳам замонага хос белгилардан бири акс этмаяптими? Жамиятимизга, бугунги кундаги ижтимоий аҳволимизга ишора йўқми ҳикояда?

Кўпгина ҳикоянавислар давримизнинг дардлари, мураккаб ижтимоий-сиёсий масалаларига мурожаат қилмоқдалар. Бу ўринда ҳамма гап жамиятни ҳаяжонга солиб турган муаммоларни теранроқ, ўткирроқ ва кўламлироқ тадқиқ этишда қолган. Ҳатто, муайян бир кишининг хатти-ҳаракатларини ишонарли акс эттириш учун ҳам фақат ҳақиқатнинг ўзи озлик қилади, шахслар ва қиёфаларни умумлаштириш, уларни тасвирлаш ва очиш учун ўзига хос воситалар топа олиш зарур.

Ёш ёзувчи Назар Эшонқулов шу йўлдан боришга интилади. Унинг «Маймун етаклаган одам» ҳикояси ўткир фуқаролик руҳи, замонамиз ва яқин ўтмишга доир қарама-қаршиликлари ва кескин зиддиятларни англашга интилиши билан диққатни тортади. Унда жамиятимизнинг ижтимоий маънавий аҳволи тўғрисида баҳс юритилади.

«Маймун етаклаган одам» ҳикояси қаҳрамони кўрган барча хаёлий нарсалар, аслида, йигирманчи йиллар авлоди бошдан ўтказган оғир ва машаққатли ҳаётнинг акси бўлиб чиқди. Ёзувчи ижтимоий зиддиятнинг кескинлигини, тақдир тақозоси билан бир неча авлод яшашга маҳкум бўлган бўғиқ муҳитни кўрсата олган.

Ёзувчи ижтимоий таназзул даҳшатларини мажозий-умумлашма тарзида ифодалайди. Чолнинг суратларида у шундай тасвирланган: ҳувиллаб ётган қишлоқлар ва кўчалар, эгалари ташлаб кетган уйлар, қаровсиз қабристонлар, йиғлашаётган аёллар ва болалар, вайроналарда базм қураётган, ўлимтик чўқилаётган қарғалар, арава-арава ўликлар, даҳшатдан қотиб қолган оломон, сўлиб қолган гуллар орасида турган ва гўёки қонли томошада иштирок этаётган каби ниқоб кийган одамлар... Бу даҳшатли қудратга эга бўлган оқимни ҳеч ким тўхтата олмайди.

Ўзининг охирги суратини чизиб, сўнгги фикрини айтиб қолишга интилаётган, тўзиган кител кийган, индамас ва ёлғиз чол образи фожиалидир. Унинг чизмаларида ҳам тарих, ҳам ўз тақдири акс этган. Бу суратларда у одамлар тақдирини ҳал этишга алоқадор бўлган замонлар ҳақида сўзлаб беришга уринади.

Эзгулик нима, ёвузлик нима? Булар азалий саволлардир. Чол эса, ўзининг гапига қараганда, эзгуликка ҳам, ёвузликка ҳам бирдай хизмат қилди, йўқса уни ҳам тарих ғилдираги эзиб ўтган бўларди. У эса яшашни хоҳларди, ахир тугалланмаган илк суратда унинг юзидан умид барқ уриб, кўзлари юлдуздай чарақлаб турган, ўрмондан маймун етаклаб чиқаётгани бежиз эмасдир. Бироқ шу ернинг ўзида ҳам қаттиққўллик, зўравонлик кўринади — маймуннинг бўйнидаги занжир таранг

www.ziyouz.com kutubxonasi

тортилган: унинг ортидан бир қатор ноҳақликлар судралиб келаяптики, айнан шулар Чолни оқибатдан қўрқмасдан ёвузлик қилаётганлар сафига қўшиб қўяди. Бироқ ҳар қандай ёвузликнинг жазоси бор. Чол ҳам ундан қутулиб кетолмайди.

Чолнинг суратларида поёнига етаётган ҳаёт ҳақидаги ўилар гавдаланган. Уни ҳам абадият, бахт, одамлар фожиаси, поймол этилган тақдирлар муаммоси ҳаяжонга солади. Ҳамсуҳбатларида ҳам, маҳалладошларида ҳам меҳр уйғотмайдиган, одамлар фақат шафқат юзасидангина бир коса оби ёвғонини аямаган мазкур салбий қаҳрамоннинг фалсафий мулоҳазалари қизиқиш туғдиришидан ташқари инсон руҳининг қудрати ва ожизликлари ҳақида ўйга толдиради.

Назар Эшонқулов ҳикояси баҳсталаб, уни ҳар хил йўсинда талқин этиш мумкин ва айни шу хусусияти унинг фазилатларидан биридир.

Ҳикоя қурилмасида ва қаҳрамонлар қиёфасини чизишда бадиий маҳорат етишмаган ўринлар бор. Унда майда-чуйда тафсилотлар кўп, жўн мулоҳазалар ва, айниқса, фалсафий ҳикоя учун лозим бўлмаган бирёқламалик учрайди. Бироқ бундай камчиликларига қарамасдан, Н. Эшонқулов ҳикоясида инсон концепцияси борлигини, шахснинг маънавий моҳияти масаласи кўтарилганини қайд этиш ва булар ҳозирги адабий жараён учун хос эканлигини таъкидлаш лозим бўлади.

Ёзувчининг «Муолажа» ва «Ажр» ҳикоялари ҳам юқоридаги асар билан уйғун жиҳатларга эга. Ҳозирги замон ўзбек ўқувчиси насрдаги кўпгина шаклий-маънавий янгиликларни қабул қилишга тайёр. У кейинги йилларда ўз тилида Булгаков ва Платановни, Хемингуэй ва Кафкани, Кортасар ва Маркес асарларини ўқишга муваффақ бўлди.

Анъаналарни қабул қилиш, ўзбек ҳикоясига сингдириш жараёни жадал содир бўлмоқда. Фрейд йўналишидаги руҳий таҳлил ҳам, Жойс талқинидаги онг оқими — ички суҳбат ҳам учрамоқда. Ҳозирги замон ўзбек ҳикоянависларига, шубҳасизки, жаҳон классикларининг асарлари улкан таъсир кўрсатди.

Ўзбек ҳикояси, табиийки, тажрибаларга, шаклий янгиланишларга муҳтож. У ҳозирча баъзан қотиб қолган анъанавий йўллардан бормоқда, халқ оғзаки ижодига муносабат эса баъзан теран ва уйғун янгиланишдан кўра кўпроқ бевосита тақлидга ўхшаб қолмоқда.

Эшонқулов ижодининг қимматли томонларидан бири шуки, у ҳамма юрган йўлдан ўзини четга олишга улгурди. Унинг изланишлари самарали бўлиши ҳам, биз учун тушунарсиз, боши берк кўчага ўхшаб кўриниши ҳам мумкин. Бу ёзувчи жанрни ўзгартиришга интилаяптики, шунинг ўзиёқ биз учун қадрлидир.

«Қўшиқлари тинган юрт» туркумига кирувчи «Ажр» ҳикояси кўп томонлари билан «Муолажа» ва «Майсун етаклаган одам» ҳикоялари каби жамиятимиз бошдан кечираётган ижтимоий ларзаларнинг сабаб ва оқибатларини қамраб олишга интилади.

Бадиий ҳақиқат изланишлари (*гарчи шафқатсиз бўлса-да*) Эшонқулов ҳикояларини тутиб турган ўқдир. Уларда ҳозирги замон рус ва ғарб адабиётидаги мавжуд тажрибалар миллий анъаналар билан етарли даражада узвий мужассамланиб кетган.


«Ажр» ҳикоясидаги рамзлар эртак чизгилари ва оҳанглари билан боғланади. Унинг қаҳрамони умр бўйи мансаб учун қотилликларга қўл уради, хоинлик қилади. Унинг бирдан-бир ёруғ туйғуси, ягона илинжи ҳам амалга ошмайди — ёлғиз фарзанди ҳам уни ташлаб кетади.

Бироқ ҳикояда бадиий мантиқ бузилган. Бунчалар аблаҳ одамнинг виждон азобига йўлиқишини тасаввур қилиб бўлмайди. Унда фақат битта туйғу — қўрқув бўлиши мумкин, холос. Унинг елкасига миниб олган одам, афтидан, виждон азобининг рамзи...

Дунёни ҳис қилиши турлича бўлган ёш ёзувчилар асарларини таҳлил учун тасодифан танлаб олганимиз йўқ. Айнан шу йўналиш бир қадар истиқболга эга дейишимиз мумкин. Чунки ҳозирги адабий жараён ва ҳикоя жанри тинимсиз ўсишда, жиддий баҳони фақат маълум вақт ўтгач, берган жаъқул. Бизнинг вазифамиз эса мазкур ҳикояларни бугунги кун нуқтаи-назардан туриб кўриш, тушуниш ва баҳолашдир.

Бироқ уларга бўлган ижодий қизиқиш фақатгина шу билан чекланиб қолмаслиги керак. Жанр ҳаракатига асосланиб, ҳикоянинг бадиий савияси юксалганини, ҳикоянавислар кўтараётган муаммолар, уларга берилган жавобларнинг замонавийлик даражасини англай оламиз. Адабиёт тарихчисининг мушкул вазифаси ҳам айни шунда.

Биз атайлаб яна кўп ҳикояларга тўхталмадик. Мақолада тилга олинган ҳикоялар билан бир қаторда улар ҳам жанрнинг «вужудини» ташкил этади. Бироқ ички қониқиш билан шуни қайд этамизки, бу «вужуд» тобора ёшариб, куч-қувватга тўлиб бормоқда. Ш. Одилов айтганидек, кўп балоларга гирифтор бўлган, бироқ маънан юксалиб бораётган ўқувчилар эса, умид қиламизки, асл гап қаердалигини пайқаб оладилар. Муҳтарам ҳамкасабам Ш. Одилов ҳам шу фикрга қўшилса керак, деб ўйлайман.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Мундарижа

ШЕЪРИЯТ

Муҳаммад Раҳмон. Умрим, эрким ул чироққа товондур 3
Эркин Самандар. Аждодлар қиличи. *Тарихий фожиа* 63
Тўлан Низом. Соғинчларинг чўғларини жисмим аро жойладим 114

НАСР

Абдурауф Фитрат. Ҳинд сайёҳининг қиссаси 7
Усмон Азим. Ҳикоялар 43

МУШОИРА

Имон тилар бир Ватан бор 40

ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН МУАММОЛАР

Алиназар Эгамназаров. Ҳавога ўрлаётган заҳар 99

БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Дилшод Ражабов. Оламдан алам кетсин 117

МЕРОСИМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

Аваз Муҳаммад Аттор Ҳўқандий. Тарихи жаҳоннамойи 119

НАВОИИХОНЛИК

Баҳром Бафоев. ...Топдим ул калом ичра камол 141
Урфон Отажонов. Навоий ижодини ўрганиш тарихидан 144

НАВОИЙ ГУЛШАНИ

Муқимий. Навоий ғазалига мухаммас 148
ҚУРЪОН 149

АСР САДОЛАРИ

Рафиқ Мўмин. Шеърлар 169

САРГУЗАШТ, ФАНТАСТИКА

Ҳожиакбар Шайхов. Мутамах. *Илмий-фантастик ҳикоя* 172

МУЛОҲАЗА, МУҲОКАМА, МУНОЗАРА

Ирисали Тошалиев. Ўрганган кўнгил... 182
Раит Абдуллаев, Маҳаматвали Муродов. Жамоа хўжалигининг умри тугадими? 186

БАҲС

Шаҳобиддин Одилов. Танқиддан ҳам тубанми? 193
Нинель Владимирова. Илдизларга назар солайлик 197

ЕДНОМА

Ислом Усмонов. Ҳақиқат туғилган йил 202

ГУЛҚАЙЧИ

Қудрат Дўстмуҳаммад. Дардисар «никоҳ»... Ҳажвия. 206

На узбекском языке
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»
№ 8
Журнал Союза писателей Узбекистана
Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства
ЦК КП Узбекистана, Ташкент — 1991

Мусаҳҳиҳлар **Ш. Мусаев, И. Нормуродова**

Техник муҳаррир **Ю. Абдуллаев** Рассом **Ғ. Алимов**

Таҳририятга келган бир босма табоққача бўлган материаллар муаллифларга қайтарилмайди. Ойномадан рухсатсиз материал олганлар жарима тўлашлари шарт. Таҳририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади. Ойнома матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалкаш босилгани) бўйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент — П, «Правда» газетаси кўчаси, 41. Ўзбекистон КП МК нашриёти. Обунага монелик кўрсатилган ёки ойнома ўз вақтида етиб бормаган тақдирда: Тошкент 700000, Широкая кўчаси, 2. Жумҳурият «Союзпечать» агентлигига мурожаат қиласиз.

Теришга берилди 5.06.91 й. Босишга рухсат этилди 5.07.91 й. Қоғоз формати 70×108 1/16. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма тобоғи 13. Шартли босма тобоғи 18,2+0,35 (зарварақ). Шартли-рангли босма листи 19,25+0,25 (зарварақ). Нашриёт ҳисоб тобоғи 20,2 Тиражи 111853. Буюртма 5510. Баҳоси 2 сўм.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент — П, «Правда» газетаси кўчаси 41.

www.ziyouz.com kutubxonasi